
Чиркайдаги 8-сонли мактаб учун қўшимча 540 ўринли бино ва спорт зал қурилмоқда

Фурқат туманидаги умумтаълим мактабларида жорий йилда ҳам замон талаблари асосида ўқиш ва ўқитиш имкониятлари янада кенгаймоқда.

Чиркай маҳалласида жойлашган 8-сонли мактаб биноси 1972 йилда 240 ўқув ўринга мўлжаллаб қурилган бинода 510 нафар ўқувчи таҳсил олаётган эди.

Ўқувчилар сони мактабнинг мавжуд сиғимидан сезиларли даражада ортиқлиги, навбатлилик коэффициенти белгиланган нормалардан юқорилиги каби муаммоларни бартараф этиш мақсадида инвестиция лойиҳаси тайёрланиб, амалга тадбиқ этилди.

Мактабда қўшимча янги 540 ўринли ўқув биноси ва 12x24 ўлчамли спорт зали қурилиши учун инвестиция дастури асосида 7 млрд 387 млн сўм маблағ ажратилган.

Ҳозирги кунда қурилиш ишлари "Мирзо Саодат" МЖЧ қурилиш ташкилоти бунёдкорлари томонидан олиб борилаётган қурилиш-таъмирлаш ишлари якуний босқичга кирган.

2023-09-12 19:16:02